



Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 223 (12.534)

Баҳоси эркин нарҳда

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 13 ноябрь куни Оқсаройда расмий ташриф билан мамлакатимизга келган Россия Федерацияси Федерал Мажлиси Федерация Кенгаши Раиси Валентина Матвиенкони қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари Россия парламенти юқори палатаси раҳбарини юртимизга ташрифи билан қутлар экан, Россия билан қарор топган стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларининг ҳозирги даражаси Ўзбекистонда юксак кадрланишини таъкидлади. 2012 йил июнь ойида Тошкентда, жорий йилнинг апрелида Москвада бўлиб ўтган олий даражадаги Ўзбекистон — Россия учрашув ва музокараларининг самарадор яқунлари, амалий натижалари сиёсий, савдо-сармоявий, маданий-гуманитар ва бошқа соҳаларда ўзаро ҳамкорлик ривожига янги суръат бахш этди.

Таъкидланганидек, парламентлараро алоқаларнинг бугунги даражаси турли соҳаларда ўзаро мулоқотни фаол кенгайтиришда муҳим ўрин тутмоқда. Ўзбекистон Олий Мажлиси ва Россия Федерал Мажлиси юқори палаталари ўртасида 2006 йилда имзоланган ҳамкорлик тўғрисидаги битим муносабатларни тизимли равишда қарор топтиришга хизмат қилиб, икки мамлакатда амалга оширилаётган туб сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ислохотларни қонунчилик асосида қўллаб-қувватлаш борасида мунтазам тажриба алмашиш имкониятини яратди.

Сўбат чоғида томонлар иқтисодий ҳамкорлик барқарор кенгайиб, ўзаро савдо таркиби сифат жиҳатидан яхшиланиб бораётганини мамнуният билан қайд этди.

Учрашувда томонларни қизиқтирган маданий-гуманитар ҳамкорликка оид масалалар, айрим минтақавий ва халқаро муаммолар юзасидан ҳам фикр алмашилди.

В.Матвиенко сермазмун сўбат, икки давлат учун долзарб бўлган масалаларни муҳокама қилиш имконияти яратилгани учун Ўзбекистон Президентига самимий миннатдорлик билдириб, Россия раҳбарияти халқларимизнинг узоқ муддатли манфаатларига асосланган ҳолда Ўзбекистон билан конструктив ҳамкорликни янада ривожлантиришга тайёр эканини таъкидлади.

(ЎЗА)

8 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни

ТИНЧЛИК, БАРҚАРОРЛИК ВА ФАРОВОНЛИК КАФОЛАТИ



Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 21 йиллиги арафасида «Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази «Фуқаролар мамлакатимиз сиёсати ва ижтимоий-сиёсий ҳаёти ҳақида» мавзусида ижтимоий сўров ўтказди.

Президентимиз Ислам Каримов томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида таъкидланганидек, жамиятнинг демократия йўлидан жадал ривожланиши ва бу борада амалга оширилаётган ислохотларнинг муваффақияти кўп жиҳатдан одамларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданият даражасига боғлиқ. Юксак ҳуқуқий маданият — демократик жамият пойдевори ва ҳуқуқий тизимнинг етуқлиги кўрсаткичидир.

Фуқароларнинг ҳуқуқ ва сиёсатга бўлган қизиқишини аниқлаш мақсадида ўтказилган ижтимоий сўров асосини ҳам айнан шу омилар таъкид қилди. Сўров натижаларига кўра, иштирокчиларнинг аксарияти (80 фоиздан ортиғи) мамлакатимизнинг ички сиёсий ҳаёти ҳақида ахборотга эга.

Сўров шуни кўрсатдики, телевидение ва умуман, оммавий ахборот воситалари мамлакатимиз сиёсий ҳаёти ҳақидаги асосий ахборот манбаидир. Сўралганларнинг 97,5 фоизи шундай жавоб берган.

Фуқароларнинг кўпчилиги (92,2 фоизи) Ўзбекистонда ҳаётни барқарор деб баҳолайди.

Ўзбекистонликлар асосан демократик ва аънанавий кадрятларга устувор аҳамият беради. Хусусан, сўров қатнашчиларининг аксарияти «демократия» ва «демократик давлат» нима эканини яхши билади ва тушунади. Иштирокчилар орасида ёшлар кўпчилигини ташкил қилгани ҳам (қарийб 80 фоизи 30 ёшгача бўлган ёшлар) уларнинг мамлакатимизда рўй бераётган демократик янгиланиш ва туб ислохотларга самарали ижтимоий мослашуви ҳамда таъсирчанлигидан далолат беради.

(Давоми 2-бетда)

ПОЙТАХТНИНГ

БИР КУНИ



Сифатли маҳсулот — элга манзур

ЯНГИ МОДЕЛЛАР ЯРАТИЛМОҚДА

Мустиқлик йилларида элу юрт ривожига ҳисса қўшишга бел боғлаган тадбиркорлар учун яратилган кенг имконият, қулай шарт-шароитлар туфайли улар сафи кундан-кунга ортиб бормоқда. Шу билан бирга ички бозорларимизда «Ўзбекистонда тайёрланган» ёрлиқли маҳсулотларимиз сифати ва рақобатбардорлиги билан харидорини топиб, элга манзур бўлмоқда.

2003 йилдан бери фаолият юритаётган «Орзу-осийе оптим» масъулияти чекланган жамият фаолияти ҳақида ҳам юқоридаги фикрларни келтириб ўтиш мумкин. Корхона жамоаси бугунги кунда харидор талабидан келиб чиққан ҳолда аёлларнинг бежирим сумкалари ва турли спорт жиҳозларини бутун Республикамиз бўйлаб етказиб бормоқда. Малакали мутахассислар меҳнат қилаётган жамоа цехларида маҳаллий ҳом ашё асосида ҳар томонлама талабга жавоб берадиган маҳсулот тайёрланишига эътибор қаратилган ҳолда, янги моделлар яратиш устида ҳам ижодий изланиш олиб боришмоқда.

— Ишлаб чиқаришда, албатта сифатни таъминлаш, импорт ўрнини босувчи маҳсулотларимизни харидорларга манзур этиш асосий мақсадимиз, — дейди корхона директори ўринбосари Холмурод Мирзаалиев.

— Шундан келиб чиққан ҳолда ҳар бир лойи-

ҳани ишлаб чиқаришга жорий этишда ички ва ташқи бозорни, харидор талаб ҳамда эҳтиёжини мукамал ўрганишга, маҳсулотларимизнинг кўриниши, юксак дизайни, сифати билан ҳар қандай даврда рақобатлаша олишига интилоқдамиз. Изланишларимиз самараси эса кундан-кунга харидорларимиз сифатини ортиши, буюртмаларнинг кўпайишида кўринмоқда. Бу ғайратимизга ғайрат, ўзимизга бўлган ишончнинг янада ортишига хизмат қилмоқда. Фаолиятимизни 20 нафар ишчи билан бошлаган бўлсак, ҳозирги кунда улар сафи 30 тага етди. Уларнинг меҳнат қилиши учун барча зарур шарт-шароитлар яратилган. Жорий йилда насиб бўлса янги иш ўринларини яратиш, фаолиятимизни кенгайтириш, камтарона меҳнатимиз билан элимиз-юртимиз ривожига муносиб ҳисса қўшишни ният қилганмиз.

Шоира МУХАМЕДОВА

ШАҲРИМИЗ ЯНАДА ОБОД ВА ГЎЗАЛ БЎЛСИН!

16-17 ноябрь кунлари ҳашар ўтказилади

Қадрли ҳамшаҳарлар! Мана эшигимизни қоқиб киш мавсуми ҳам кириб келмоқда. Вақт ганимат. Шундай экан айни шу дамларда дарахтлардан тўқилган баргларни тозалаш ва атроф-муҳитни озодлашга эътибор беришимиз муҳим аҳамиятга эга. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, хазонрезгилар ёқишига асло йўл қўймаслигимиз керак.

Шаҳар фаоллари, кенг жамоатчилик тақлифлари асосида жорий йилнинг 16-17 ноябрь кунлари шаҳримизда ҳашар ўтказилади. Унда барчамиз фаол иштирок этайлик.

Ушбу хайрли ишда маҳалла аҳли, корхона ва ташкилот ходимлари, олий, ўрта махсус ўқув юрти талабалари, ёшлар кенг жалб этилиши азалий қадрияти-мизга бўлган юксак ҳурмат ва эътибор белгисидир.

Азиз ҳамшаҳарлар!

Азим шаҳримизни янада обод ва озода қилиш мақсадида ҳар биримиз ҳудудимизнинг санитар ҳолатини янада яхшилашга, хазонрезгилдан тозалашга ўз ҳиссамизни қўшайлик!

Халқимизда «Ҳашар — элга ярашар» деган ажойиб нақл бор. Бу хайрли ва эзгу ишларга оиламиз, фарзандларимиз билан биргаликда бош қўшсак, шаҳримиз янада обод ва гўзал бўлади.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги



МАМЛАКАТИМИЗДА

• Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2013 йил 12 сентябрда қабул қилинган қарорига мувофиқ Қорақалпоғистон Республикасида ҳам фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайловлар бошланди. Сайловларда Қорақалпоғистон Республикаси бўйича 401 овул ва маҳалла фуқаролар йиғини раиси ҳамда уларнинг 3 минг 600 дан зиёд маслаҳатчиси сайланади.

• Қашқадарё вилоятида балиқчилик тармоғи жадал ривожланмоқда. Вилоятда ишлаб чиқилган балиқчиликни ривожлантириш дастурига асосан 2013 йилда 37 янги лойиҳа амалга оширилди. Қарши, Косон, Касби, Нишон, Миришкор, Китоб ва Қамаш туманларида қўшимча 13 балиқчилик хўжалиғи ташкил этилиб, уларга 128,1 гектар ер ажратилди. Бунинг натижасида 120 га яқин янги иш ўрни яратилди. Эндиликда балиқ етиштирувчи хўжаликлар сони вилоятда 158 тага етди.

• Термиз шаҳрида Ўзбекистон Савдо-саноат палатасининг Сурхондарё вилояти ҳудудий бошқармаси ва Германия Халқаро ҳамкорлик жамияти томонидан асарларини кўпайтириш ҳамда парваршилаш усуллари, асарлар касалликлари ва зараркунандаларига қарши курашишга бағишланган семинар ўтказилди. Тадбирда маҳаллий иқлимга мос асарларини кўпайтириш, боқиш, касалланишининг олдини олиш ва зараркунандаларга қарши курашиш юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

• Урганчда Зулфия номидаги Давлат мукофоти танловининг Хоразм вилояти босқичи бўлиб ўтди. Танловнинг вилоят босқичида 60 нафар қиз фан, таълим, маданият, адабиёт ва санъат йўналишлари бўйича ўз билимларини синовдан ўтказди. Тадбир доирасида иштирокчиларнинг тасвирий санъат, хунармандчилик, тикувчилик, зардўзлик, тўқувчилик, кулолчилик йўналишларида тайёрлаган ижод намуналари кўргазмаси ўтказилди.

ЖАҲОНДА

• «Apple» компанияси келаси йили «iPhone» смартфонининг янги моделларини тақдим этади. 2014 йилнинг иккинчи ярмида омма эътиборига ҳавола этилиши кутилаётган янги телефонларнинг экранлари эгилувчан бўлади. Уларнинг техник хусусиятлари ҳақида эса ҳозирча маълумот берилмади.

• Германиянинг Дрезден техника университетиде камдан-кам кузатиладиган воқеа рўй берди. Яъни қутилмаганда барча талабалар ўқишдан ҳайдалиб, ўқитувчилар ишдан бўшатиб юборилди. Аммо кейинроқ бу техник хато туфайли юз берганлиги аниқланди. Яъни аслида ҳеч ким университетдан четлатилмаган экан. Шунчаки таълим даргоҳини дастурлаш тизими билан таъминлаш вақтида талаба ва ўқитувчилар (жами 42 минг киши)нинг электрон манзилга ана шу мазмундаги хат беихтиёр жўнатиб юборилган.

• Лондоннинг Кироллик коллежи ҳамда АҚШнинг Браунов университети олимлари ҳамкорликда ўтказган таҳлил натижалари шундан далолат бермоқдаки, болалик, аникроғи, 2-4 ёш тил ўрганиш учун энг мақбул ёш экан. Олимлар 1 ёшдан 6 ёшгача бўлган 108 нафар гўдакнинг бош миясини сканер таҳлилидан ўтказиб, шуни аниқладиларки, бош миёдаги асаб товларининг миелин қобиғи болаларнинг 2 ёшгача бўлган вақтида жуда тез шаклланаркан. Миелин тақсимоти эса бола 4 ёшга борганда яқунланади.

Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2013 йил 12 сентябрда қабул қилинган қарорига мувофиқ мамлакатимизда ноябрь-декабрь ойларида фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови бўлиб ўтади. Бу галги сайловда 9756 нафар фуқаролар йиғини раиси ва уларнинг 97 минг нафардан ортиқ маслаҳатчиси сайланади.

— Мамлакатимизда сайловга тайёргарлик қириш ва уни юқори савияда ўтказиш борасида тегишли идоралар ҳамкорлигида барча зарур чора-тадбирлар амалга оширилди, — дейди Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг фуқаролар йиғини раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи комиссияси раисининг ўринбосари С.Ортиқова. — Жумладан, сайловни ташкил этиш ва ўтказиш учун масъул бўлган ишчи гуруҳ томонидан жойларда қатор ишлар амалга оширилди. Сайлов билан боғлиқ масалалар юзасидан аҳоли ўртасида кенг тушунтириш ишлари олиб борилди. Фуқаролар йиғини, фуқаролар вакиллари-нинг йиғилишларини ўтказишга кўмаклашилди. Унда ҳовлилар, уйлар, кўчалардан фуқароларнинг вакиллари иштирок этди. Улар томонидан кўрсатилган муносиб номзодлар тегишли тартибда рўйхатга олинди. Мазкур номзодлар ҳар бир маҳаллада камидан икки, уч нафар, айримларида ундан ҳам ортиқни ташкил этди.

МАҲАЛЛАЛАР ҲАЁТИДАГИ МУҲИМ ЖАРАЁН

Мамлакатимизда фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови бошланди

Этиборли жиҳати, маҳалла аҳли номзодларнинг фаолият дастури билан яқиндан танишди. Чунки аниқ режа ва мақсадларга эга номзодни танлаш келгусида маҳалла ҳаётини янги маъно-мазмун билан бойитишини бугунги кунда фуқароларимиз яхши билади. Зеро, маҳаллаларда фаолият юритаётган фуқаролар йиғинлари фаоллари аҳоли номидан иш юритиш билан бирга, умумманфаатларни муҳофаза этиш борасидаги фаолиятни амалга оширади. Бу борада оқсоқоллар ва маҳалла маслаҳатчиларининг ўрни ва роли бекиёс.

Айтиш жоизки, мазкур сайлов жараёни ҳам юртимизда шаклланган демок-

ратик сайлов тизимининг узвий қисми бўлиб, унда фуқаролар ўз хоҳиш-иродасини эркин ифода этади. Бу тамойил мазкур соҳага оид қабул қилинган «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги қонунда ўз ифодасини топган. Қонунга кўра сайловда фуқароларнинг иштирок этиши ихтиёрий ва эркиндир. Фуқароларга уларни сайловда иштирок этишга ёки иштирок этмасликка мажбур қилиш мақсадида, шунингдек, уларнинг хоҳиш-иродасини эркин билдиришига таъсир кўрсатишга ҳеч қандай ҳаққ йўқ. Сайлов ҳуқуқига сайлов кунини саккиз ёшга тўлган ҳамда маҳалла ҳуду-

дида доимий яшовчи фуқаролар эгадир. Шу билан бирга, фуқаролар жинси, irqи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, тенг сарф ҳуқуқига эга.

Таъкидлаш керакки, фуқаролар йиғини (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчиларини сайлаш очик ёки яширин овоз бериш орқали амалга оширилади. Овоз бериш тўғрисидаги қарор фуқаролар вакиллари йиғилиши томонидан очик овоз бериш орқали қабул қилинади. Сайлов очик овоз бериш орқали ўтказилаётганда овоз бериш ҳар бир номзод бўйича қўл кўтариш йўли билан ўтказилади. Сайлов яширин овоз бериш орқали ўтказилаётганда фуқаролар йиғини иштирокчиларига саноқ комиссияси томонидан сайлов бюллетенлари берилади. Бюллетень овоз берувчи томонидан яширин овоз бериш кабинасида ёки хонасида тўлдирилади.

Мазкур жараёнда фуқароларнинг фаол иштирок этиши маҳаллада истикомат қилувчи ҳар бир инсон ҳаётига дахлдор масалалар ечимида муҳим аҳамиятга эга, маҳалла келажагини белгилувчи муҳим омилдир. Шу боис давлат ва жамият қурилишини демократлаштириш ва либераллаштириш, кучли фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёни тобора чуқурлашиб бораётган, сифат жиҳатидан янги ижтимоий-иқтисодий ва ижтимоий-сийсий шароитда бўлиб ўтаётган ушбу сайловда муносиб номзодга овоз бериш ҳар бир фуқаронинг бурчидир.

Норгул АБДУРАИМОВА

Бугунги кунда замонавий ахборот-коммуникация технологиялари кириб бормаган бирон-бир соҳа бўлмаса керак. «Пайнет», «Ўзтўлов» сингари тизимлар орқали турли тўловларни амалга ошириш, электрон почта ёрдамида бир неча дақиқа ичида ер юзининг исталган манзилига хат юбориш ёки олиш, интернетдан эса бир зумда дунёда рўй бераётган воқеалардан хабардор бўлиш кўпчиликнинг кундалик ҳаётидаги оддий ҳолга айланиб улгурган.

ЭЛЕКТРОН КУТУБХОНАЛАР — ДАВР ТАҚВОСИ

Жамият ҳаётининг турли соҳаларида кенг қўлланилиб бораётган ахборот технологияларини ривожлантириш ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг муҳим шартидир. Шунинг учун ҳам кейинги йилларда мамлакатимизда компьютер технологияларини ривожлантириш, жамиятнинг ахборотлаштириш масалаларига катта этибор қаратилмоқда. Бу соҳада бир қатор қонунлар қабул қилиниб, уларни амалга ошириш йўлида тегишли чора-тадбирлар кўрилмоқда.

Замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ҳақида гап кетганда, кўпчиликнинг кўз ўнгига биринчи навбатда халқаро интернет тармоғи келса ажасмас. Бу бежиз эмас, чунки ахборот технологиялари тизимида кечаётган сифат ўзгаришлари интернет тармоғида аниқсиз яққол намоён бўлмоқда.

Ахборот технологияларининг маориф соҳасидаги аҳамияти ортиб, масофадан туриб ўқиш, интернет ресурсларидан фойдаланиб мустақил билим олиш сингари усуллар оммалашиб бормоқда. Бунда аниқсиз, интернет тармоғи ривожланиши натижасида юзага келган электрон кутубхоналарнинг ўрни ўзгача бўлмоқда. Ҳозирги вақтда кўпчилик фойдаланувчиларга яхши таниш бўлган бундай ресурслар қаторида интернетнинг рус тили сегментидан ўрин олган «Альдебаран кутубхонаси», «Мошков кутубхонаси» сингари йирик китоб фондига эга бўлган хусусий электрон кутубхоналарни кўрсатиш мумкин. Бепул фойдаланиш мумкин бўлган бундай электрон кутубхоналар ёши, ижтимоий ва моддий аҳоли турлича бўлган кишиларга тарихий, илмий, техникавий ва бадий асарлар билан танишиш имконини бермоқда. Ахборот технологиялари тақдим этган, қўл вақт талаб қилмайдиган бу афзалликнинг қадри вақт етимишмаслигини нолиётган ҳозирги югунги давримизда янада яққол билинмоқда.

Кейинги йилларда мамлакатимизда ҳам ўқув муассасаларини тўлиқ компьютерлаштириш, таълим жараёнини ахборотлаштириш, миллий электрон ахборот ресурсларини ривожлантириш борасида ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги маълумотига кўра, интернет тармоғидан фаол фойдаланувчи талабалар сони 2008 йилга келиб 83 фоизгача ўсган.

Ҳозир интернет тизимида мамлакатимиз олий ўқув юртинларининг корпоратив тармоғи — Олий ва

ўрта махсус таълим вазирлигининг www.edu.uz сайти, ушбу вазирлиқнинг ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази веб-саҳифаси www.markaz.uz ишлаб турибди. Уларда бу тизимларга оид маълумотлар, янгиликлар ҳамда таълимга оид бошқа ўзгаришлар ёритиб борилади. Ўз ўрнида www.edu.uz портали орқали мамлакатимизнинг бошқа олий ўқув юртилари веб-саҳифаларига кириш имконияти бўлиб, уларда ҳам қўллаб-қувватлаш, рефератлар ва бошқа фойдали адабиётлар жойлашган.

Назаримизда, бугунги кунда фаолият кўрсатаётган ўзбек электрон кутубхоналари орасидаги энг мукаммал сифатида «Зиёнет» ахборот-таълим тармоғи кутубхонасини кўрсатиш ўринлидир. Бу кутубхона фонди бошқаларга нисбатан анча бой бўлиб, улар илмий-техник, иқтисодиёт ва бошқарув, маданият ва санъат, ҳуқуқшунослик, педагогика, тиббиёт, бадий адабиёт сингари соҳаларга ажратиб тизимлаштирилган.

Интернет тармоғидаги миллий ресурсларга, жумладан мавхуд электрон кутубхоналарга хос бўлган умумий камчилик сифатида электрон нашрларнинг камлиги, уларнинг орасида ўзбек тилидаги асарлар озлигини кўрсатиш ўринли.

Хулоса қилиб айтганда, ҳозир интернет тармоғида миллий электрон кутубхоналар шаклланиши билан боғлиқ жараёнларни жиддий ўрганиш, эришилган натижаларни таҳлилдан ўтказиш, уларни янада ривожлантиришга қаратилган тақлиф ва мулоҳазаларни ўртага ташлаш пайти келди. Бу жараёнда электрон кутубхоналар фондидан жой оладиган ўқув кўланмалари, илмий ва бадий адабиётларга тегишли муаллифлик ва турдош ҳуқуқлари ҳимояси билан боғлиқ ҳуқуқий жиҳозлар ҳам алоҳида этибор талаб қилади. Миллий электрон кутубхоналари тизимини шакллантириш, электрон адабиётлар фондиди кўпайтириш йўлидаги амалий ҳаракатлар бу жараёнга нодавлат ташкилотларини, алоҳида муаллифлар ва кенг китобхоналар оммасини жалб этиш билан бирга олиб борилиши мақсадга мувофиқдир. Қолаверса, жойларда ва мамлакатимиз миқёсида мунтазам равишда танловлар ташкил этиш, бу борадаги ютуқ ва камчиликларни матбуот орқали кенг муҳокама қилиш ҳам ўзининг ижобий натижасини бериши шубҳасиз.

**Ашна ЭМИНОВА,
ЎзДЖТУ талабаси**

2013 йил — Обод турмуш йили

ОИЛА МУҲОФАЗАСИ ДОИМИЙ ЭЪТИБОРДА

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгашида «Оила — ривожланиш ва тараққиёт омили» мавзусида республика илмий-амалий анжумани бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси томонидан Республика «Оила», Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий марказлари, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур анжуманда хотин-қизлар кўмиталари вакиллари, маҳалла фаоллари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар, педагоглар, психологлар иштирок этди.

Республика «Оила» илмий-амалий маркази директорининг ўринбосари Х.Мамадалиева, Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви раисининг ўринбосари Г.Алимова ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида оила, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, баркамол авлоднинг вояга етказиш масаласига давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида алоҳида этибор қаратилаётганини таъкидлади.

«Обод турмуш йили» Давлат дастури доирасида хотин-қизларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш, оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, мустақил ҳаёт бошлаган ёш оилаларга имтиёзли кредитлар ажратишга оид ишлар кўламини янада кенгайтириш.

Оилалар фаровонлигини таъминлаш, уларга моддий ва маънавий кўмак кўрсатишга оид этибор ва ғамхўрлик натижасида, кейинги икки йил мобайнида мамлакатимизда билавий ажримлар сони сезиларли даражада камайгани қайд этилмоқда. Айни пайтда Ўзбекистон жаҳондаги оилавий ажримлар энг кам давлат сифатида халқаро миқёсда эътироф этилмоқда.

Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси Республика «Оила» илмий-амалий маркази билан ҳамкорликда оилага оид долзарб маънавий-ахлоқий, психологик масалаларни илмий жиҳатдан мукамал ўрганиш, таҳлил этиш, уларга ижобий ечим топишга оид самарали фаолият кўрсатиб келмоқда. Ҳамкорликда олиб борилаётган илмий, социологик тадқиқотлар, ижтимоий сўровлар, соғломлаштириш акциялари, олимлар, экспертлар, психолог ва ҳуқуқшунослар иштирокида ташкил этилаётган тушунтириш-тарғибот ишлари барча ҳамюртларимиз, шу жумладан, ёшларнинг оила, жамият ва Ватан олдидаги масъулиятини янада кучайтиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ҳамкорликда яратилаётган илмий-маърифий рисоалар, кўланмалар, монографиялар таълим масканларидаги «Соғлом авлод асослари» дарслари, «Ота-оналар университети», «Ёш оила қурувчилар мактаби», «Ораста қизлар» тўғараги каби жамоат тузилмалари машғулотларини самарали ўтказишга хизмат қилаёттир. Айни пайтда юртимиздаги барча маҳаллаларда саломатлик, бандлик, таълим, оилавий муносабатларга оид шўъбалар фаолият кўрсатаётгани ҳаётда учрайдиган айрим масалаларни ҳамжиҳатликда, жамоатчилик иштирокида ҳал этишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

— Билим масканимизда салкам уч минг нафарга яқин ўқувчи таҳсил олади, — дейди ЎзА мухбирига Тошкент шаҳридаги 1-педагогика коллежидан хотин-қизлар раиси Нодира Азимова. — «Наққошлик» маҳалла фуқаролар йиғини, Чилонзор туман ФХДБ бўлими, соғлиқни сақлаш, ҳуқуқ-тартибот идоралари билан ҳамкорлик узвий йўлга қўйилгани кизларимизни оилага тайёрлаш, кийини маданиятини тўғри шакллантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Анжуманда оила-ниҳок муносабатларининг мустаҳкамлигини таъминлашда ёшлар билан бирга ота-оналарнинг масъулиятини кучайтириш, бунда маҳалла, хотин-қизлар кўмитасининг ҳамкорлигини янада кенгайтиришга оид амалий тақлиф ва тавсиялар билдирилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика хотин-қизлар кўмитаси раиси Э.Боситхонова сўзга чиқди.

Н.УСМОНОВА

ТАБИАТ МУҲОФАЗАСИ ДОИМИЙ ЭЪТИБОРДА

Ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий заҳиралар умуммиллий бойлиқдир, улардан оқилонга фойдаланиш зарур ва улар давлат муҳофазасидадир.

(Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, 55-модда).

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида Экоҳаракат депутатлар гуруҳининг йиғилиши бўлиб ўтди. Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат кўмитасининг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилонга фойдаланишни таъминлаш мақсадида ажратилган бюджет маблағларидан фойдаланиш масалаларига оид ахбороти тингланди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари Б.Алихонов ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида табиий ресурслардан оқилонга фойдаланиш, ишлаб чиқариш жараёнига замонавий тежамкор технологияларни жорий этиш борасида олиб борилаётган кенг кўламли ишлар барқарор ривожланишда муҳим омил бўлаётганини таъкидлади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 27 майда қабул қилинган «2013-2017 йилларда Ўзбекистон Республикасида атроф-муҳит муҳофазаси бўйича ҳаракатлар дастури тўғрисида»ги қарори бу борадаги ишлар кўламини янада кенгайтиришда дастуруламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Мазкур дастурда белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш бўйича ўтган даврда изчил ишлар амалга оширилди. Хусусан, Орол-бўйида денгизнинг суви чекинган қисмида шўрга чидамли, тезўсар ўсимликлар экиш, мазкур минтақа аҳолисини тоза ичимлик сув билан таъминлаш мақсадида гидрогеологик изланишлар олиб бориш, собиқ конлар ҳудудларида экологик ҳолатни барқарорлаштиришга оид қатор лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилмоқда.

Ер ости чучук сувлари ҳосил бўладиган ҳудудларни муҳофаза қилиш, термитларга қарши кураш чораларини кучайтириш, трансчегаравий экологик муаммоларнинг атроф-муҳитга салбий таъсирини камайтириш, атроф табиий муҳит ҳолатини ўрганиш юзасидан мониторинг ишларини такомиллаштиришга алоҳида этибор қаратилаёттир.

Ўзбекистон Табиатни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси тизимидаги аналитик назоратга иктирослашган давлат инспекцияси томонидан сув, ҳаво, тупроққа салбий таъсирларни ўрганиш юзасидан доимий мониторинг юритилмоқда. 2013 йилнинг тўққиз ойи мобайнида бу борада уч юз эллика яқин корхонанинг саккиз мингдан зиёд манбаси текширилди ҳамда табиатга салбий таъсир кўрсатаётганларга нисбатан тегишли чоралар қўлланилди.

Йиғилишда тегишли вазирлик ва ташкилотлар мутахассисларига давлат бюджети маблағларидан самарали фойдаланиш, атроф-муҳит муҳофазаси бўйича ҳаракатлар дастурида белгиланган лойиҳаларни ўз вақтида ҳаётга татбиқ этиш юзасидан тақлиф ва тавсиялар билдирилди.

**Б.ХИДИРОВА,
ЎзА мухбири**



МЕҲР-ОҚИБАТ ҚЎРҒОНИ

Алишер Навоий номидаги кино саройида «Ўзбекфильм» киностудиясида тасвирга олинган «Виждон» бадий фильмининг премьераси олдидан матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Унда ОАВ ва «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Республика бошқаруви вакиллари билан бирга фильм ижодкорлари иштирок этди. «Обод турмуш йили»га бағишланган «Виждон» бадий фильмида юртимиздаги маҳаллалар фаолияти ўзига хос таразда очиб берилган. Фильмда ўзини ўзи бошқариш тизимида амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотлар ва унинг натижалари ҳақида ҳикоя қилинади.

Маҳалладаги ижтимоий муҳитни тартибга солиш, ҳудудларни ободонлаштириш, ёшлар ўртасида спортни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлашда раис жонбозлик кўрсатади. Ўзларининг эзгу фазилатлари билан кўпчиликка ибрат бўлаётган жонқуяр оқсоқоллар оралида кўплаб топилди. Фильмда ана шундай инсонлар ва бугунги маҳаллаларимизнинг ўзига хос ҳаёти қизикarli тарада талқин этиб берилган.

Хуршид Дўстмуҳамедов, Абдуқомил Йўлдошев ва Баҳодир Одилов ҳаммуаллифлигида ёзилган сценарий асосида суратга олинган фильмда маҳаллаларимизнинг бугунги фаолияти, жонқуяр маҳалла фуқаролар йиғини раисининг ўз ишига бўлган садоқатини, ҳар бир ишга виждонан ёндашиши очиб берилган.

Фильм намойишидан сўнг журналистлар ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Зиёда РАСУЛОВА

Спорт янгиликлари

ҲАМШАҲАРЛАРИМИЗ — ГОЛИБ

Тошкентдаги сув спорти марказида сузиш бўйича Ўзбекистон чемпионати ташкил этилди.

Унда Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда мамлакатимизнинг барча вилоятларидан келган маҳоратли спортчилар голиблик учун кураш олиб боришди.

Мусобақалар якунида умумжамоа ҳисобида шоҳсупанинг энг юқори поғонасини Тошкент шаҳри жамоаси эгаллаган бўлса, фахрли иккинчи, учинчи ўринлар Ан-

диджон ва Навоий вилоятлари жамоаларига насиб этди.

Чемпионат якунида голиб ва совриндорлар совринлар билан тақдирланди.

Пойтахтимизда спортнинг ўқ отиш тури бўйича ўтказилган МҲСК очик чемпионати Ўзбекистон терма жамоасига номзод спортчиларни саралаб берди.

НОМЗОДЛАР САРАЛАНДИ

Унда мамлакатимизнинг барча вилоятлари ҳамда пойтахтимизнинг энг маҳоратли спортчилари голиблик учун кураш олиб боришди.

Этиборлиси, мусобақаларга пухта ҳозирлик кўрган пойтахт вакиллари Артём Чернешов ва

Рибалкинлар чемпионат пешқадамлари сифатида мутахассислар томонидан эътироф этилди ва голиб спортчилар сифатида уларга совринлар топширилди.

Акбар Йўлдошев



Мухаммад Амин (ЎЗА) олган сурат

Чирчиқ шаҳрида дзюдо бўйича ўсмирлар ўртасида ўтказилган халқаро турнирда мамлакатимиз спортчиларида ташқари, Россия, Қозғистон ва Тожикистондан жами тўрт юз нафарга яқин дзюдочилар қатнашди.

ЎШ ДЗЮДОЧИЛАР БАҲСИ

лат Бобонов, Мухаммадкарим Хуррамов, қозғистонлик Жонпўлат Умар, Алиби Жумадуллаев олтин медалга сазовор бўлди.

Турнир доирасида ўтказилган жамоавий беллашуларда Чирчиқ олимпия заҳиралари коллежи дзюдочилари биринчи ўрин-

ни эгаллади. Самарқанд вилояти вакиллари иккинчи, Бухоро ва Андижон вилоятлари спортчилари учинчи ўринни қўлга киритди.

Зоҳир ТОШҲУҲАЕВ,
ЎЗА муҳбири

14 ноябрь — Халқаро қандли диабетга қарши кураш кунини муносабати билан пойтахтимизда қатор тадбирлар ўтказилмоқда.

2013 йил — Обод турмуш йили

БОЛАЛАР УЧУН ХАЙРИЯ АКЦИЯСИ

«Соғлом авлод учун» Халқаро хайрия жамғармаси «Обод турмуш йили» Давлат дастури доирасида ушбу касалликка чалинган беморлар учун хайрия тадбирини ўтказди.

Истиқлол йилларида мамлакатимизда соғлиқни сақлаш соҳасида ҳам самарали ислохотлар амалга оширилмоқда. Утган давр мобайнида аҳоли саломатлигини сақлаш айниқса, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш борасида қатор Давлат дастурлари ва ўнлаб Ҳукумат қарорлари қабул қилинди. Бу ишларни амалга оширишда давлат ташкилотлари билан бир қаторда нодавлат ташкилотларнинг ҳам ўз ўрни бор.

«Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси Тошкент вилоятида истиқомат қилувчи 20 нафар бемор болаларга 6 ой муддатга мўлжалланган инсулин дори воситалари ва эсдалиқ совғалари топширди.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, бугунги кунда дунё бўйича мазкур касалликни орттирган 200 миллион нафарга яқин бемор

рўйхатга олинган. Айни пайтда барча мамлакатларда ушбу касаллик билан оғриган беморлар сони ҳар йили 5-7 фоиз, ҳар 12-15 йилда эса икки баробар ортиб бормоқда. Бу касалликдан ҳеч ким ҳимояланмаган, бироқ кейинги вақтларда касалликка чалинган болалар ва ўсмирлар ҳам кўпайиб бораётгани аниқланмоқда.

Мамлакатимизда ҳар йили ноябрь ойида ушбу йўналишдаги тиббий профилактика ишларини кенгайтириш, аҳолининг тиббий билими ва маданиятини ошириш, касалликни аниқлаш ва даволаш мақрадида қанд касаллигига қарши кураш ойлари ўтказиб келинмоқда.

Бу борадаги ишлар доирасида, айниқса қанд касаллигига чалинганларга алоҳида эътибор кўрсатилмоқда.

Қанд касаллигига қарши кураш ойлари доирасида бу каби тадбирлар, учрашувлар республикамизнинг барча ҳудудларида ўтказилмоқда.

Гулчеҳра ДУРДИЕВА

МИНИАТЮРАЧИ РАССОМ КЎРГАЗМАСИ

Ўзбекистон Бадий академиясининг Камолитдин Бехзод мемориал бор-музейида миниатюраларчи рассом Абдуҳаким Каримовнинг Обод турмуш йилига бағишланган «Мозийдан садо» номли шахсий кўргазмаси очилди.

Истеъдодли миниатюраларчи рассом А.Каримов ўзига хос асарлари билан халқимиз қалбидан жой олган. Таъкидлаш лозимки, миниатюра йўналишида ижодкор кўпдан-кўп шоғирдлар етиштирган. Бугунги кунда унинг шоғирдлари бир қатор халқаро кўргазмаларда иштирок этиб, юртимиз доғруғини дунёга танитмоқда.

Абдуҳаким Каримов 2012 йил Президентимиз фармонида кўра, «Шухрат» медал билан мукофотланди. Шунингдек, Ўзбекистон Бадий академияси томонидан истеъдодли ижодкор миниатюраларчи эришган улкан ютуқлари учун «Олтин медал» билан тақдирланган.

Кўргазмада рассомнинг 60 дан зиёд асарлари намоиш этилмоқда. Улардан «Оҳанг», «Кўнгил қўшиғи», «Ишқ ҳаёллари», «Меърож» ҳамда «Рассом ҳаёли» деб номланган асарлари ўзининг нафис, жозибали томонлари билан ақлларни тиради.

Кўргазма икки ҳафта давом этади.

«Туркистон-пресс»

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Диққат «Ёнғин хавфсизлиги ойлари»!

«Хурматли ҳамюртлар! Маълумки, куз-қиш мавсуми бошқа даврларга нисбатан фуқароларнинг иситиш мосламаларига бўлган эҳтиёжларини бир мунча ортиб бориши билан ёнғин хавфини ҳам кескин ортиб кетишига сабаб бўлади. Бундай ҳолатнинг олдини олиш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 18 ноябрь кундаги 309-сонли қарорига асосан жорий йилнинг 20 ноябридан 20 декабрга қадар Республика миқёсида «Ёнғин хавфсизлиги ойлари» ўтказилади. Қарорда кўрсатилганидек ушбу тадбирни ўтказишдан кўзланган асосий мақсад — «иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳа объектларини, шунингдек, уй-жой фондини ёнғин хавфсизлиги талабларига мувофиқ ҳолга келтириш ҳамда ўта муҳим давлат аҳамиятига молик ёки ёнғин ва портлаш хавфи юқори бўлган объектларда ёнғин хавфсизлигини мустаҳкамлаш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш» — деб белгиланган.

Азиз ватандошлар! Сизлардан ушбу тадбирда фаол иштирок этишларингизни сўраган ҳолда таъкидлашимизки, бу даврларда ёнғин хавфсизлиги қоидаларига қатъий риоя қилиб, Сиз нафақат ойлик тадбирнинг фаол иштирокчисига айланасиз, балки бу билан давлат ва ўз шахсий мулкнингизни, уй-жойингизни ёнғиндан асраган, шунингдек, ақинларингиз ва фарзандларингиз хавфсизлигини таъминлаган бўласиз.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ёнғин хавфсизлиги бош бошқармаси «Ёнғин хавфсизлиги ойлари» тадбирларининг ўтказилишида фаол иштирок этган ташаббускор юртдошларимизга олдиндан самимий миннатдорчилик билдиради.

Ўзбекистон Республикаси ИИБ
Ёнғин хавфсизлиги бош бошқармаси



— 4-6 тоифали электр монтажчилар;
— 4-6 тоифали электрикларни доимий ишга қабул қилади.

Иш ҳақи 2 миллион сўм ва ундан юқори.

Корхона ишчиларни хизмат транспорти, бенул овқат билан таъминлайди. Иш ҳақи ўз вақтида тўланади.

(90)352-36-05
(90)982-56-44
(93)172-44-07
(90)167-17-58
Мулоқот учун телефонлар:

«SPARETRA» МЧЖ ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КОРХОНАСИ бошланғич баҳоси босқичма-босқич охиб бориш тартибидеда ўтказиладиган очик аукцион савдосига тақлиф этади!

Савдога қўйидаги автотранспорт воситалари ва мулк қўйилмоқда: 1. Зангиота тумани СИБ томонидан № 936/24-сонли ижро ҳужжатида асосан «Билема» РКНД 40.3 тунука банка ишлаб чиқаришга мўлжалланган ускуна. Бошланғич баҳоси — 150 000 000 сўм. Зангиота тумани, Эркин қ.ф.й., ПКФ Баракат ҳудудида сақланмоқда (1). 2. Бектемир тумани СИБ томонидан 03.04.2013 й. № 1-222/2013 - сонли ижро ҳужжатида асосан 1986 й. и.ч. «Ваз-21063» д.р. 10 V 527 FA. Бошланғич баҳоси — 7 013 024,90 сўм. 3. Бектемир тумани СИБ томонидан 18.12.2012 й. № 1-601/12 - сонли ижро ҳужжатида асосан 2009 й. и.ч. «Матиз» д.р. 01 156 ТТВ. Бошланғич баҳоси — 15 531 135,30 сўм. 4. Бектемир тумани СИБ томонидан 19.08.2013 й. № 1-390/13 - сонли ижро ҳужжатида асосан 2004 й. и.ч. «Матиз» д.р. 01 P 385 GA. Бошланғич баҳоси — 13 984 000 сўм. Тошкент шаҳар ИИББ Аxbорот марказида сақланмоқда (2,3,4). Аукцион савдоси 2013 йил 2 декабрь кунини соат 11:00 да бўлиб ўтади. 5. Учтепа тумани СИБ томонидан 22.04.2013 й. № 1-1789/13 - сонли ижро ҳужжатида асосан 1987 й. и.ч. «Ваз-21061» д.р. 01 N 458 PA. Бошланғич баҳоси — 7 016 000 сўм. ООО «Auto Plaza Servis» Чорсу жарима майдончасида сақланмоқда (5). Аукцион савдоси 2013 йил 16 декабрь кунини соат 11:00 да бўлиб ўтади. Юқоридаги автотранспорт воситалари ва мулк билан тегишли суд ижрочилиги бўлими вакиллари иштирокида бевосита жойига қийиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни ҳар кунини (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади ва савдолар бошланғичида бир иш кунини қолганда соат 16:00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида қатнашиш истагида бўлган талабгорлар автотранспорт воситаси ва мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдоридан кам бўлмаган зақалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда ҳар бир автотранспорт воситаси ва мулк учун алоҳида қўйидаги савдо ташкилотчиси — «SPARETRA» МЧЖнинг «ASIA ALLIANCE BANK» ОАТБ Мирзо Улуғбек филиалида қўйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: № 20208000904887305001, МФО: 01103, СТИР: 301829604. Аукцион голиби сотиб олган автотранспорт воситаси қийматини 5 банк кунини мобайнида тўлалигича тўлаши шарт. Манзил: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, 17-даҳа, 3-уй, 1-хонадон. Телефон: (8371) 212-89-55.

Тошкент шаҳар Фавқуллода вазиятлар бошқармаси раҳбарияти ва шахсий таркиби бошқарманинг ҳуқуқшунос-маслаҳатчиси, истеъфодаги полковник **Темур АЙДАРОВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Коммунал хизмати тўловларини ўз вақтида тўлайлик!

АЗИЗ ҲАМШАҲАРЛАР!

Барчамизга яхши маълумки, ҳар биримиз истеъмолчи сифатида табиатнинг бебаҳо неъматлари — сув, табиий газ, электр энергияси сингари ресурслардан фойдаланамиз. Турмушимизга чуқур сингиб кетган ва фаровонлигимизни таъминлашда муҳим омил бўлган мазкур неъматлар соҳа ходимларининг заҳматли меҳнатлари ва катта маблағлар эвазига етказиб берилади.

Шу боис ҳам уларнинг қадрига етиш, исрофгарчилигига йўл қўймаслик, тежамкорлик билан оқилона фойдаланиш, шунинг баробарида «Ҳисобли дўст айрилмас» нақлига амал қилган ҳолда фойдаланилган иссиқ ва совуқ сув, иссиқлик қуввати, табиий газ, электр энергияси ҳамда кўп қаватли уйларда фойдаланиш харажатлари тўловларини ўз вақтида амалга ошириш ҳар бир истеъмолчининг бурчидир.

Зеро, тежамкорлик — катта бойлик, демакдир. Юқоридаги неъматлардан керагича — омилкорлик билан фойдаланиш қоидаларига тўла амал қилган ҳолда сарфласак, қоидабузарлик ва ўзбошимчилик билан уланишларга йўл қўймасак хизмат сифатига ва самардорлигига ҳисса қўшган бўламиз, тўловларимиз эса эртага ўзимизга намунали хизмат сифатида қайтади.

Шу ўринда, сиз қадрли истеъмолчиларга шуни эслатиб қўймоқчимизки, мазкур коммунал хизматлар юзасидан бирорта муаммо туғилса, носозлик ва авария ҳолатлари рўй берган тақдирда қуйидаги телефонлар орқали соҳа ходимларига мурожаат қилишингиз мумкин.

● Коммунал хўжалиги бўйича туну кун фаолият кўрсатувчи диспетчерлик хизмати — 1055

«ТОШГАЗ» БОШҚАРМАСИ ДИСПЕТЧЕРЛИК ХИЗМАТЛАРИ

Марказий авария-диспетчерлик хизмати — 255-44-27
Учтепа — 274-44-34
Бектемир — 295-14-43
Миробод — 254-15-61
Мирзо Улуғбек — 267-19-47
Олмазор — 248-35-48
Сергели — 258-84-33
Ҳамза — 296-39-61
Чилонзор — 278-09-99
Шайхонтоҳур — 242-39-26
Юнусобод — 212-25-52
Яккасарой — 255-49-59

ШАҲАР ЭЛЕКТР ТАРМОҚЛАРИ ДИСПЕТЧЕРЛИК ХИЗМАТЛАРИ

Марказий диспетчерлик хизмати — 233-77-53, 233-78-46
Учтепа — 274-14-81
Бектемир — 295-10-66
Миробод — 291-15-92
Мирзо Улуғбек — 267-58-15
Сергели — 258-38-60
Олмазор — 242-46-95
Шайхонтоҳур — 278-87-11
Ҳамза — 291-87-83
Чилонзор — 271-13-63
Юнусобод — 225-00-65
Яккасарой — 250-19-67

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» ВА «ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ»

Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар кунини соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 233-28-95. Факс: (371) 232-11-39. Манзил: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 225-хона.



Тошкент шаҳрида 15 ноябрь кунини ҳаво ўза-риб туради, ёнғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секун-дига 3-8 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат ке-часи — 1-3 даража илк, кундузи — 15-17 даража илк бўлади.

Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотида кўра, 15 ва 16 ноябрда Тошкент шаҳри об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз йи-ғилишига имконият яра-тади. Атмосферанинг иф-лосланиш даражаси 1-3 фоиз кўпайиши тахмин қилинмоқда, тағмиқдори паст бўлади.



МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

Манзил: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32



Бизнинг электрон манзил: vto2007@mail.uz

Буюртма Г - 1141

ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95, факс: (371) 232-11-39

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 563

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва аxbорот бошқармасида 02-1-рақам билан рухсатга олинган

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 8594 нусхада босилди. Қозғоз бичими А-2

Топшириш вақти: 13.00

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамити»га — 233-74-05 телефонида мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета тахририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ

Босишга топширилди: 15.35